

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят фаоллари йиғилиши

ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ИШЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Тошкент вилояти ҳокимлигида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар танқидий муҳокама этилди. Йиғилиш-ни вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов олиб борди.

Мажлисда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, гуруҳ ва котибият мудирлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари, шунингдек, республика ишчи гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 январдаги мажлисида Президентимиз Исроҳ Каримов томонидан белгиланган мақсадларга эришилганлиги ва тадбиркорлик субъектлари ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланганлиги. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 7,2, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 13,8, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 5,3, кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,8, чакана савдо айланмаси 15,7, пуллик хизматлар кўрсаткичи 12,2 фоизни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга эркинлик бериш ва ривожлантириш йўлида учраётган тўсиқларни олиб ташлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида мажбурий секторнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидagi улуши ўтган йилги 60,2 фоиздан 61,2 фоизга етди.

Вилоятдаги 71 та фаолият кўрсатаётган Республика ва маҳаллий тасарруфдаги йирик саноат корхоналари томонидан ҳам 9,7 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 13,8 фоиз ортиси билан урилди. Кичик саноат корхоналари томонидан 2,3 триллион сўмлик товарлар тайёрланиб, ўсиш суръати 123 фоизни ташкил этди.

Эътироф этилганидек, ҳисобот даврида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 88,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, белгиланган прогноз 1,5 марта ортиси билан бажарилди. Қарийб 34,4 миллион долларлик маблағ тежаб қолинган. 3,8 миллион долларлик маҳсулотлар экспортга йўналтирилган. Шунингдек, йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар ҳам афзолича муҳокама қилинди. Чунинчи, 2015-2016 йиллар куз-қиш даврини бета-лафот ўтказиш ҳамда қиш-баҳор мавсуми учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий ва коммунал соҳа, уй-жой фондининг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги ҳамда ичимлик суви таъминотини яхшилаш масалалари афзолича муҳокама қилинди.

Жорий йил охирига қадар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш, саноат корхоналари етакчи тармоқларини модернизация қилиш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларини бажариш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу ва бошқа масалалар юзасидан Чирчиқ, Олмалик, Ангрен шаҳарлари, Куйи Чирчиқ, Охангарон, Бўстонлик, Зангиота, Чиноз, Янгийўл туманлари ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди.

Танқид ва таҳлил руҳида ўтган йиғилишда шу йилнинг ўтган даврида эришилган ижобий кўрсаткичлар билан бирга, йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам қайд этилди, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов сўзга чиқди.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати.

Тадбиркорлик



ҲУНАРДАН РИЗҚ УНАР

Паркент туманилик Зулхумор Эрматова тўқиган гилам, хуржун, сумка ва турли хил мобил телефон халтачалари жуда харидор-гир. У "Ташаббус - 2015" танловининг туман босқичида ғолиб бўлиб, вилоят босқичида учинчи ўринни эгаллади.

Ота-боболаримиз, момоларимиз азалдан болаларга ҳўнар ўргатишга алоҳида эътибор беришган. Даврлар ўтиши билан ҳўнарларнинг тури бироз ўзгарган. Моҳият эса ўша-ўша, - дейди Зулхумор Эрматова. - Менинг ютуқларим, аввало, истиқлол шарофати туфайли. Чунки мустақиллик йилларида ҳўнармандлар учун қўллаб-қувватлаш эълон қилинди. Бу ўз навбатида соҳанинг ривожланишига кенг йўл очди.

Ҳўнардан гилам, чопон ва нимчалар тўқиш маҳорати билан эл орасида обрў қозонди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан тадбиркорларнинг ўзи ишлаб чиқарган амалий ва бадий санъат буюмлари савдоси даромадидан солиқ тўлашдан озод этилгани юртимизда халқ ҳўнардончилиги ривожига катта эътибор қаратилаётганининг намунасидир. Бу ўзига хос имконият ва имтиёзлар беради.

Оилавий бизнес юритиш фарзандлар тарбиясида катта аҳамиятга эга. Болалар ҳам кичиклигидан тадбиркорлик сирларини ўрганади. Қолаверса, ота-оналари кўз олдида улғаяди, яъни доим назоратда бўлади.

Ҳозир З. Эрматова 80 га яқин тумандошларига ўз ҳўнари сирларини ўргатаётти. Келгусида маҳсулотларини замонавий талаблар даражасида тўқиб, чет элга экспорт қилиш ниятида.

Муқаддас ИСРОИЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

Кулайлик

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси ва "Click" тизими ўртасида эришилган келишув самарасида табиий газ учун аҳоли билан ҳисоб-китоб қилишнинг янги тизими йўлга қўйилди.

ТЎЛОВ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ишга туширилган ушбу тизим аҳолига янги имкониятлар яратиб, табиий газ учун ҳисоб-китоблар ошқоралигини таъминлайди. Энди "Click" тизимидан фойдаланувчилар ўз ҳисобини текшириб, истеъмол қилинган табиий газ учун тўловни пластик карта орқали амалга ошириши мумкин.

Кейинги йилларда мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг қўллаб-қувватлашга илғор ахборот-коммуникация ечимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иш унумдорлигини оширишга алоҳида

(Давоми 2-бетда).

Қишлоқ мулкдорлари

ҲАМ ЙИРИК, ҲАМ КЎП ТАРМОҚЛИ

Охангаронлик дехқон Абдукарим Ҳўлов 1995 йилда биринчилардан бўлиб фермерликни ихтиёр этгандаёқ экин майдонларини оптималлаштириш ва кўп тармоқли қилиш ҳаракатини бошлаганди.

Экин майдонлари кенгайган сари техника воситаларига эҳтиёж ҳам кучаяди. Бунинг ўзидан ўтказган фермер 2000 йилдаёқ ЮМЗ русумли ҳайдов трактори сотиб олди. 2005 йилга келиб "Агробанк" ёрдамида БТ-150 занжирли ҳайдов тракторини лизинг йўли билан харид қилди. Банк билан келишганидек, уч йил эмас, икки йилда қарзини узди.

ишларида керак бўладиган механизмлар ҳамламасига эга.

Яна бир ибратли жиҳати шундаки, бугун "Абдумутал" нафақат йирик ва кўп тармоқли, балки, том маънода оилавий фермер ҳўжалигига айланган. Ўн бир аъзонинг 6 нафари фермернинг ўғиллари, 4 нафари келинлари, ўн биринчиси - ўзи.

Тўнғич ўғли автоўл коллежини битириб, ҳўжалигини техника воситалари билан боғлиқ ҳамма ишларини ўз қўлига олди. Абдурауф билан Абдурауф

агроколлекж, Абдужалил эса, агросаноат коллежини битиришган. Абдувосиднинг мутахассислиги - юрист. Абдумутал - бухгалтер.

Ҳўжалигимизни яхши ният, эзгу умид билан "Абдумутал" деб атаганмиз, - дейди Абдукарим Ҳўлов. - Шу ўғлимнинг фермерлики иштиёқи билан, ҳозирги саъй-ҳаракатлари ҳам шунга яраша. Пенсияга чиқсам, ишмни бемалол давом эттира олади.

(Давоми 2-бетда).

Раҳбар лафзи

ЎЗИНИ ЎЗИ АЛДАЁТГАНЛАР

Мана, ўлкамизда куз "довон ошиб", қиш-қировли кунлар яқинлашмоқда. Бўка туманида куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг аҳоли билан танишиш мақсадида халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига йўл олди. На кутубхона, на қоровулхона ва на маънавият-маърифат хонасига ўша-майдиған хонада мудир вазифасини бажарувчи Элдор Эргашев қабулига келган кекса аёл билан

суҳбатлашиб бўлганидан сўнг, шошиб турганини айтиб, нима мақсадда келганимизни суриштирди. Ҳўжатларимизни обдон қўргач, аввалоги 48 та мактаб, 11 та мактабгача таълим муассасаларида режа асосида таълим-тарбия ишлари давом этаётгани, мактаб ва боғчаларда иссиқлик тармоқлари ўрнатиб бўлингани, қурилиш ишлари 1 сентябрда тугатилгани ҳақида хотир-жам гапириб берди.



(Давоми 2-бетда).

Қонун ва ижро

ИНСОФСИЗ РАҚОБАТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қўла-ми жиҳатидан ғоят кенг ва моҳиятан инсонпарвар ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Асрларга татигулик бундай ўзгаришлар, аввало, инсон манфаатларини ифода этиб, ҳақимизнинг минг йиллик эзгу қадрият ва

Аммо, айрим тадбиркорлар қонуний фаолият юритиш, маҳсулот ва хизматлари билан танилиш ўрнига бошқа тадбиркорларга ҳалақат бериш, обрўсига путур етказишга ўринаётгани инсофсиз рақобатни келтириб чиқармоқда.

"Инсофсиз рақобат" тушунчаси бизнинг юртимизда 2006 йил Ўзбекистон Республикасининг "Товар бозорларида монополистик фаолиятни

чеклаш тўғрисида" ги Қонуни кучга кирганидан сўнг қўлланила бошланди. 2012 йилнинг 6 январда Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида" ги Қонуни қабул қилиниб, унда "инсофсиз рақобат" тушунчасига кенг таъриф берилди.

Мамлакатимиз қонунчилигига кўра, "Инсофсиз рақобат" - ҳўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга

анъаналарини тиклаш, ривожлантириш, миллий гуруҳ ва ўзликни англаш туйғусини юксалтиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорлар ҳар жиҳатдан яратилаётган кенг имконият у имтиёзлардан қонуний фойдаланиб, фаолиятларини янада кенгайтириб бормоқдалар.

оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳўжатларига, иш муомаласи одатларига эид бўлган ҳамда бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёҳуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлар" деб белгиланган.

Инсофсиз рақобатнинг

асосий шакллари билан бири юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индидуаллаштириш воситаларидан, истеъмолчиларга маълум ва машҳур бўлган фирма номларини индидуаллаштириш воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланган ҳолда товарни реализация қилиш ҳолатларидир.

(Давоми 2-бетда).

